







Маъруф ЖАЛИЛ

ОЗОДЛИК

1

Ешинг ўтган бўлса ҳам, яшагинг келар, Бағринг қонга тўлса ҳам, яшагинг келар.

Навқирон бўлсанг-ку орзуларинг мўл, Олдинда завқ тўла, ишонч тўла йўл... Кунда бир янгилик, бир имкон кутиб, Майда-чуйдаларнинг баҳридан ўтиб, Чўнтагингни эмас, катта бахт кўзлаб.

2

Аммо орзу бошқа, имкон бошқадир, Кечки армон бошқа, азон бошқадир. Дўппига ачинмас боши кетса эр, Номус талашади ёши етса эр: «Озодликин кўрдим тирик чоғимда, Яна баҳор келди руҳиңиз боғимга».

ЭСЛАШ

Бу кунларни интиқ бўлиб кутганлар қани, Қаро тунда йўлга чироқ тутганлар қани? Чора топмай ҳатто ошкор фарёд қилмоққа Пинҳон алам ниқобини ютганлар қани?

ДИЛ ЯРАСИ

Кўй мени, тинч кўй, муҳаббат, Дил яраси битмаган ҳали. Оғзим куйган, Дилдан маломат, Алам доғи кетмаган ҳали.

ҚАЙДАН БИЛАЙ

Тақдир сирли китоблигин қайдан билай, Макр гўзал ниқоблигин қайдан билай. Кеча-кундуз мунграб-ўқиб йиғлаб қалбим, Юрак сенга бетоблигин қайдан билай.

ЮРАГИМГА

Мунча нола қилиб кимни чорлайсан, Нега мунча мени қийнаб зорлайсан? «Тоғиб бер, бир кўрай» дейсан



Бу бегубор ниғоҳларда, Ҳам ҳайрат бор, ҳам секинч... Р. АЛБЕКОВ ва С. МАҲКАМОВ суратга олган.



Тилаволди ЖУРАЕВ

КАРЗ

ҳам, нурсиз кўзлари билан кимнидир, ҳойнаҳой, Бону билан болаларини изларди. Унинг кўзи тиркилибди Умида ҳеч нарса ни уйламай, бамайлихотир кун кеңираверган экан. Мана, энди чўнамон ўятгани қадри. Ҳозир, ҳеч бўлмаса, яна бир йилгина тирик юрганда, ўзи биларди-я нима қилишни. Ҳа, дунёдаги энг қадардон одами ўтди-кетди. Утганда ҳам Умиданинг хўрагини келтириб, гўр кетди: энди эллик учга кирганда, ҳали яшас яшагудек эди; зўрга толган болаларининг орзу-ҳавасини кўрса бўлмасмикин...

Бир кун Умида ДАЛАДАН кичкинтойлари билан қайтиб келса, ўша, кишини-ёни бўш турадиган хонадан буруқсаб чанг чиққити. Акрам суяриб тазаловатган экан. — Дархона қиламан, ая, — деди. Кейин кирса бинойидек жой қилиб олибди: ташқарида тахталари ёрилиб, қуруқшаб ётган эски сўрини кўкка бўяб олиб кириб, ўзига жой қилибди; Умиданинг отакўрдисиде келган шафани тўғрилай, ойнаси ўрнига дона тортиб, китобларини саранжом-саринта қилиб ториб қўйибди; шафанинг пастига бир дона чинни, пичоқ, темир қошиқ, оппоқ пиёла қўйилган; тоқчаларга газет тўшлаган, кираверишда унг томонга тахтага миҳ қойиб қилинган илгак, унда галстуги билан битта кўйлагга осиллик турарди. Акрамни тўшмагур шунча бола. Дарсини ҳам шафанинг ичига кирво-ли тайёрлайди. Умида оват оқиб кирганда, кўзи тушади: кўпича шафанинг иккале зшиғини очиб, шафтаги интилганча алланимлар ёзиб ўтиради. Умри узок бўсин, иншилми. Дадасини

Баҳром РҮЗИМУҲАММАД АФСУНГАР

Осмон ям-яшил эди қизил булутлардан нимпушти рангда шарбат ёғарди Азроил тик боқди Бу манзарага Фаршталар қулоқни тешгудек жарангдор овозда қудуққа қулаган зангори эчки хусусида кўшиқ қуйлашарди

ЁЗНИНГ ОСОЙИШТА КЕЧАСИ

Чирилдоқ овози ой нурига илашиб чувалди қолди Бир дона япроқ худди қурбақадек сойга шўнғиди Тун кипригида жавоҳирдек ярақлаб кетди эҳтирос Олма дарахти остида ярми овоз ярми нур мевани танавул қилди кирпи

РАҲМАТЛАР ДЕЙМАН

Қабристон олдиндан тушиб отидан, Савоблар тиллаган тиловатидан, Яёв ўтган бобо эътиқодидан, Қалбим яйраб, дилдан раҳматлар дейман.

рақсга тушмоқда сўфи Қазои муаллақ қазои мулоқ ҳирқасига ўралиб маҳв бўлдилар осмон илашди оёқларига тирноғига ёпишди юлдузлар Кўёшни қоптоқдай ўйнайди сўфи уммонни ҳовчулар соҳиб каромат ана-л-ҳақ ана-л-ҳақ жазавага тушиб нени яратини билмайди сўфи ўзини ратар такрор ва такрор Энди рақс сўфига тушар Оханг айланади кўзларга

ОҚ ТУЛПОР

Оқ тулпорнинг дукур-дукури ҳаёдан фориг қилди қора андуҳини бир томчи шабнам каби енгилман Тоғ дастлаб яқин туялар юрганинг сайин олислашар у бироқ оқ тулпорнинг дукур-дукури юракка яқинлашар собит турсам мен Нима у оқ тулпор эҳтимол кундуздир майсанинг қариндоши кичик бир кундуз

ҚАДР ТУНИ

Лайлат ул-қадр кечасида мен кечанинг нақ ўзини ушладим олтинга айланди тун Тилларанг ҳавада олтин кўршапалак учиб юрибди Тилла балиқча ила сирлашар олтин қурбақа Бақо боғининг дарахтига айланиб қолишди дарахтлар Энди қуртлар ёруғлик ейди Бир сокинлик чўқди теваракка шамолдан учқурроқ сокинлик мудоққ тажовуз Қўлимдан сирғалиб туши тун.

Қимдир адашганга йўлар кўрсатса, Қоронғу кўчага чироғ ўрнатса, Болаларга ахлоқ-одоб ўргатса, Қалбим яйраб, дилдан раҳматлар дейман. Трамвайда кексага жойин бергандан, Фариб кўнглин овлаб, суҳбат қургандан, Беморлар дардини сўраб тургандан Қалбим яйраб, дилдан раҳматлар дейман. Узбеклар қадимдан саховатли дил, Савобли ишлардан баҳр олар кўнгли, Ҳайдарга ҳикматлар сўзлаганда тил Қалбим яйраб, дилдан раҳматлар дейман.







Оқилжон ҲУСАН

ГУНОҲҚОР ҲҲКИЗ

МАСАЛ

Кесақдан ўт чиққан мисоли тулки, Зифат берибди адир ақлига...

Ҳўкиз ётган экан кавш қайтариб, Улардай чарчаган бўлса кераки...

Ҳўкиз келатир сузмоқча пешлаб, Дабдала бўлардим агар қочмасам...

Айқўб сўз олди мисоли дарға: — Ҳўкиз кўрмасин, аммо эшитдим...

Ҳўкиз сўз олди мисоли дарға: — Ҳўкиз кўрмасин, аммо эшитдим...

Бариси бир-бирин қўллабди бешак, Хулласки, навбат-ла ким олса сўзин...



Рассом Мурод ЙҮЛДОШЕВ



Рассом Юсуф ШОКИРОВ

ТАЛВАСА

ҲАЖВИА

Универмагдан чиқиб, автобус бекатига келдим. Шляпа кийган, галстукли, йиғирма беш...


тезлатдим. Ҳалиги йигит ҳам изма-из келарди. Э, худойжон-ей, бу балодан ўзинг қутқар...



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожиқаббар Нурматов Оққуш ролда. Соҳиб МАҲКАМОВнинг дўстлик ҳазили

БИР СОДДА УЙЛАНИБДИ


Бир банги вафот этиб, дузахга тушибди. Дузахнинг каттақонларидан бўлган шайтонлар уни эъвоз-эҳтиром билан қарши олишди...



Рассом Ботир ҲАСАНОВ

ИККИ СОАТДАН СЎНГ...

Ҳурматли кулги мухлислар! Эшитмадим деманглар, эшитанглар харид қилишдан қайтманглар...



рият нашр этган. Энди бу ҳангомадорнинг қандалиқ ичкариларни узиш-узмаслигини китобини ўқигач...

Арасту дебди: — Ахмоқ ақлсизлигидан асло ҳам чекмаган каби, ичкилик ичган киши мастлигидан тиканнинг захрини сезмайди...

Бернард Шоу кўчада кетатиб бир семиз бақалоқ одамга рўпара келипти. У қотмадан келган Шоунини махсарлаб дебди: — Сизни кўрган одам Англияда очлик экан деб ўйлайди...

ТОШОТАРНИНГ БИР ҚИЛИҒИ

Поезд тун бағрини тилиб, бир маромда манзил сари шиб билан интилади. Ҳаво иссиқ бўлганиги сабабли аксерит вагонларнинг ойналари очик ойналардан ёғилатган салқин шабадага юзларини тутган, айримлари купеларда обдон суқбат қуриб, чой ичиб ҳангомалашаяпти...

бақир-чақир қилиб изғиб юришлари юрқани зирқиратиб эритида. Президентимизнинг 25 июнда Вазирлар Маҳкамасида сузлаган нутқидан айрилган ёш болаларнинг бо-зорга, чайқовга ружу қўймасликлари ҳақидаги мулоҳазалари факат пойтахтлик болаларга тегишли эмас...

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВА ЗИРИЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНАЪАТИ. Манзилгоҳиниз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-56.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИВОВА. Таҳрир хайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудури), Одил ЕҚУБОВ, Ашуралли ЖҲРАЕВ (санъат бўлими мудури), Насиба ИБРОҲИМОВА, Камол МАТЕҚУБОВ (насер ва назам бўлими мудури), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва таъриқ бўлими мудури), Озод ШАРАФИДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир урибосари), Беккул ЭГАМКУЛОВ (масъул котиб).

1956 йил 4 январь. ДАН НАШР ЭТИЛА ВОШЛАГАН. ЖУМА КҮНЛАРИ ЧИҚАДИ.